17 (567)
2007 йил 25 апрель
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 ▶ Эҳромлар юртида ватандошимизга эҳтиром
▶ Ижтимоий муҳофазада ким илғор?

3 ▶ Зулайҳо яхшилар меҳридан шифо топди
▶ Бусафия бошига тушган савдолар...

4 ▶ Ҳикмат бува гўрковга хат битди...
▶ Тоғ этагида боғга бурканган шифохона

архивда

Россия Федерацияси Президенти В.В.Путин Жаноби Олийларига

Муҳтарам Владимир Владимирович,

Россия Федерациясининг биринчи президенти Борис Николаевич Ельциннинг тўсатдан вафот этгани тўғрисидаги хабар Ўзбекистонда чуқур қайғу билан қабул қилинди.

Борис Николаевич ўзининг бой тажрибаси ва билими, самимияти, Россия тақдирига бўлган юксак масъулияти ва бурчини чуқур ҳис этиши билан Россия Федерациясида ҳам, хорижда ҳам ҳақли равишда ҳурмат-эътибор қозонган эди.

Россиянинг мустақил давлат сифатида шаклланишининг янги босқичи Борис Николаевич номи билан боғлиқ бўлиб, мамлакатда эркинлик ва демократия сари йўл очган туб ўзгаришлар ва ислоҳотлар амалга оширилди.

Ўзбекистон халқи ва шахсан ўз номимдан чуқур таъзия изҳор этиб, ҳурматли Владимир Владимирович, Сиздан Борис Николаевичнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамда бутун Россия халқига чин дилдан ҳамдардлигимизни етказишингизни сўрайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2007 йил 24 апрель

ҲАРБИЙ СПОРТЧИЛАРИМИЗ — ХАЛҚАРО МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

Халқимиз профессионал бокс бўйича ўта оғир вазнда жаҳон чемпиони камарини қўлга киритган Руслан Чагаевнинг олам-шумул ғалабасини кенг тантана қилаётган бир пайтда Европадан яна бир қувончли хабар келди — бокс бўйича Ўзбекистон Қуролли Кучлари терма жамоаси вакиллари Украинанинг Киев шаҳрида ўтган VII минтақавий жаҳон чемпионатида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади!

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор туфайли спортчиларимиз халқаро майдонларда юксак муваффақиятларга эришиб, Ватанимиз байроғини тобора баланд кўтармоқда. Юртимиз довруғини дунёга танитишда Қуролли Кучларимиз спортчиларининг муносиб ҳиссаси бор. Осиё чемпионати, Осиё ўйинлари, жаҳон чемпионати ва Олимпия ўйинларида спортнинг хилма-хил турлари бўйича кўплаб медалларни қўлга киритиб келаётган ҳарбий спортчиларимиз ҳарбий хизматчилар ўртасида ўтказиладиган бокс бўйича жаҳон чемпионатида, Халқаро ҳарбий спорт ўйинларида ҳам муваффақиятли иштирок этиб, юксак ўринларни эгаллаб келаётирлар.

Шу йилнинг 15-22 апрель кунлари Киев шаҳрида ўтган минтақавий жаҳон чемпионатида дунёнинг 25 мамлакатидан ҳарбий спортчилар жамоалари иштирок этди. Унда 6 олтин, 2 кумуш ва 1 бронза, жами — 9 медални қўлга киритган Қуролли Кучларимиз чарм қўлқоп усталари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллагани бунинг яна бир яққол далилидир. Ушбу улкан ғалабада катта лейтенант Дилшод Маҳмудов, шартнома бўйича хизмат оддий аскарлари Тулашбой Дониёров, Бекзод Хидиров каби боксчиларимизнинг ҳиссаси катта бўлди.

Тошкент халқаро аэропортида медаллар шодаси ва ёруғ юз билан қайтган спортчиларимиз тантанали кутиб олинди.

Жасур КЕНГБОЕВ,
ЎзА мухбири.

ЯНА БИР ЎЗБЕК ЙИГИТИ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Германиянинг Берлин шаҳрида 64 катакли шашка бўйича 12 ёшдан 20 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик Саидқосим Алиев классик шашка беллашувларида олтин медални қўлга киритди ва уч карра жаҳон чемпиони, деган унвонга сазовор бўлди.

— Яна нима дейсиз? — Чоршанба — «Mahalla» ва футбол куни, дейман.

Тошкент шаҳри

“Биз мустақил юрт фарзандларимиз”

ўзбекистонлик ёшларнинг шиори шундай

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ва унинг ҳомийлигидаги “Камалак” болалар ташкилотининг ёшлар анжумани 5 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинади. Жорий йилнинг 23 апрелидан 1 май кунига қадар бўлиб ўтиши режалаштирилган тадбирлардан кўзланган асосий мақсад истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, энг фаол бошланғич ташкилот етакчиларини аниқлаб, уларни рағбатлантириш, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига ташрифлар уюштириш орқали ватанпарварлик, ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантиришдир.



СУРАТЛАРДА: *ёшлар анжуманининг тантанали очилиш маросимидан лавҳалар.*

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Куни кеча Амир Темур номли хиёбонда ёшлар анжуманининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Бугун эса “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгашида ҳаракатнинг таълим муассасаларидаги 11 та йўналиш бўйича энг фаол бошланғич ташкилот етакчиларини аниқлашга қаратилган кўрик-танловлар бўлиб ўтади.

Тадбирнинг бешинчи кунида “Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат дастурини бажариш бўйича Меҳрибонлик, Мурувват уйлари, жисмоний имконияти чекланган болалар уйлари, мактаб-интернатлари ва II жаҳон уруши ветеранлари уйларига ташрифлар уюштирилади ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтожларга амалий ёрдам кўрсатилади.

Анжуманнинг сўнгги кунида эса “Ўзбекистон Миллий боғи”да ёшлар сайли ўтказилади. Сайлда абитуриентлар учун пойтахтда жойлашган олий ўқув юртларининг кўргазмалари ташкил этилади. Тадбирга барча умумтаълим мактаб, академик лицей, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари битирувчилари жалб қилинади.

Беҳзод ҚОБУЛОВ

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ижроси — амалда

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ: МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Айтиш жоизки, бугунга келиб, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги механизмнинг самарали ишлаши бевосита маҳаллаларнинг фаол иштирокига боғлиқ. Негаки, ким дори-дармонга, ким озиқ-овқатга ва яна ким бир оғиз ширин сўзга муҳтож — буни аввало маҳалла билади, маҳалла ичида, аҳолига кўз-қулоқ бўлиб юрган одам билади.

Шу боис, айни пайтда маҳаллаларда эҳтиёжманд оилаларга, икки ёшгача бўлган фарзанди тарбияси билан банд ишламаётган оналарга нафақа ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш айнан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилмоқда.

Тўғри, ушбу маблағлар манбаи — давлат ғазнаси. Аммо уларни одилона тақсимлаш, яъни ҳақиқий эҳтиёжманд инсонларга етказиш юмуши фуқаролар йиғинлари зиммасига масъулият юклайди.

Шунингдек, эҳтиёжи бор оилаларга ажратилаётган моддий маблағлар, хайрия ёрдамларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш масаласи ҳам бор. Табиийки, худди ушбу ўринда ҳам фуқаролар йиғинларининг назоратчилик фаолиятига эҳтиёж туғилади. Бу ҳақда яқинда Президентимиз томонидан имзоланган «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонда махсус кўрсатмалар мавжуд. Албатта, фуқаролар йиғинларининг моддий ёрдамни ташкил қилиш ва тақсимлашга доир фаолияти ислоҳотлар натижасида такомиллашиб бораяпти. Бироқ шу ўринда яна савол туғилади: хўш, кўмакка муҳтож аҳоли қатламига маҳалланинг ўзи бевосита қандай моддий ёрдам кўрсатади? Бунинг учун йиғин қандай манбаларга суяниши даркор?

Сир эмас, бугун ижтимоий ҳимоя масаласи бутун жамиятга дахлдор хайрли ишга айланиб бораяпти. Қувонарли жиҳати, эзгу ишларни амалга оширишда ҳомий ташкилотлар сафи саховатпеша инсонларимиз ҳисобига ҳам кенгаймоқда. Бироқ аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари қамрови бу билан кифояланиб қолмаслиги лозим. Негаки, бугун бир байрам баҳона 100 чоғли муҳтожни тўплаб, уларнинг қорнини тўқлаш, устини бутлаш билан иш битмаслиги муқаррар. Эртага ночор оиланинг бошига иш тушиб, муаммо ечими маблағга бориб тақалса, маҳалла оқсоқоли бундай вазиятда саховатни кимдан сўраб олади ёхуд қайси ҳомийнинг эшигини қоқади? Демак, аён бўладики, жойларда ижтимоий ҳимоя тадбирларини ташкил қилиш учун энг аввало фуқаролар йиғинларида доимий манбалар яратиш зарурияти юзага келмоқда. Ахир халқимизда ҳам “Қора кунга ярар” деган гап бор-ку.

Тўғри, бугун маҳалла тизими фидойилари орасида ички имкониятлардан келиб чиқиб фуқаролар йиғини қошида даромад келтирувчи турли фаолиятларни йўлга қўйган тадбиркор, ишбилармон оқсоқоллар ҳам йўқ эмас. Аммо барча маҳаллаларда ҳам бунга имкон туғилавермаслиги табиий. Назаримда, айни пайтда бундан бир неча йил аввал бошланган — фуқаролар йиғинлари қошида жамғармалар ташкил этиш ташаббусини оммалаштириш пайти келди.

Дарвоқе, Юртбошимизнинг юқоридаги Фармонида жорий йилнинг 1 сентябридан эътиборан, давлат бюджетидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўлаш учун ажратиладиган бюджет маблағлари ҳажмини кўпайтириш, айни вақтда уни таъминлаш ва тўлаш муддатини узайтириш борасида ҳам вазифалар белгиланар экан, фуқаролар йиғинлари томонидан моддий ёрдамларни тайинлаш ва тўлаш жараёнида бошқармандаликка йўл қўймаслик шартлиги ҳам уқтирилади.

Кўриниб турибдики, бу ўринда ҳам маҳалла мутасаддиларидан ижтимоий адолат, холислик ва ошкоралик тамойилларига қатъий амал қилиш талаб этилади. Чунки, хонадон аъзолари ишсиз оилага йиллаб, доимий равишда нафақалар тўлашдан кўра, уларни ҳомийлик ёрдамлари, имтиёзли кредитлар асосида бир маротаба қўллаб юбориш, яъни айтайлик, тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш самаралироқдир.

Боз устига, ижтимоий ҳимоя сиёсатининг биз ўйлагандек тўла-тўкис рўёби учун фуқаролар онгида ҳам ҳуқуқий саводхонликни шакллантириш зарурга ўхшайди. Дурустгина даромад манбаига, етарлича маошга эга бўла туриб, маҳалладан моддий ёрдам талаб қиладиганлар ёхуд талаби рад этилса, турли важ-корсонларни дастак қилиб, идорама-идора югурадиганларни кўриб буга яна бир бор амин бўласиз. Ўз навбатида ночор бўла туриб, ўз ҳаққини талаб қила олмайдиган ва оқибатда йиғин раисининг ғирромлигига осонгина бўйин эгадиганлар ҳам борлигидан афсусланасан киши.

Ҳа, ижтимоий муҳофаза тизими ҳали баъзи ислоҳотларга муҳтож, деб ўйлайман. Бунинг учун давлат, ҳукумат ҳар қандай самарали чора-тадбирлар кўришдан чарчагани йўқ. Энди барча гап — жамиятда, жамоатда қолмоқда.

Фаррух БЎТАЕВ

“Маҳалла” жамғармаси республика бошқаруви юртимиздаги барча фуқаролар йиғинлари ўртасида “Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этишда энг намунали маҳалла” республика кўрик-танлови эълон қилмоқда.

2-саҳифада ⇨

Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги олдидан

Маҳалла мавзусини ҳам четлаб ўтмаганди

Абдулла Қаҳҳор деганда кўз олдимизга ҳақиқатни ўзига шиор қилиб олган, сўзи кескир, доимо халқнинг “тили учида турган гап”ни топиб айтган, адабиёт тақдирига ўзини масъул сезган сиймо келади.

У ҳақиқий ёзувчи сўз санъатини чин дилдан севиш билан бирга, бошқа истеъдодларни ҳам тан ола билиши керак, деб ҳисобларди ва бунга ўзи ҳам қатъий амал қиларди. Адиб адабиёт майдонига эндигина тетапоя қилиб кириб келаётган ёшлар ижодини диққат билан кузатиб, асарлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини эринмай ёзиб юборар, қимматли маслаҳатлар берарди. Агар илк машқларда истеъдод учқунини сезмаса, муаллифга буни очиқ айта оларди.

Замона зайли билан баъзи ёшлар дадиллик билан ёзган асарлари учун тазйиққа учраган кезларда устоз уларнинг ижодидан ўз асарлари учун эпиграфлар олган, руҳан ва маънан қўллаб-қувватлаш билан бирга, уларнинг ортида Абдулла Қаҳҳордай инсон борлигини эслатиб турган. Бу ўша даврда ёш ижодкор учун ўзига хос паноҳ вазифасини ўтагани бугун ҳеч кимга сир эмас.

Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган “Маҳалла” ҳикоясига Абдулла Қаҳҳор Эркин Воҳидовнинг тўртлигини эпиграф қилиб олган. Адиб бу ҳикоясида қадим қадриятларимиз эскилик сарқити сифатида қораланаётган бир пайтда минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбекнинг маҳалласи инсон ҳаётида қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини жонли лавҳалар орқали кўрсатиб бера олган.

4-саҳифада ⇨

26 апрель — Амир Темур ордени таъсис этилган кун

ИФТИХОРИМИЗНИНГ БУЮК ТИМСОЛИ

Ватаннинг Байроқ, Мадҳия, Герби каби муқаддас рамзлари сингари олий унвон, орден ва медаллари ҳам юрт мустақиллиги, шон-шавкати тимсолидир. Бундай тимсолларда мамлакатнинг тарихий анъаналари, миллий қадриятлари, маданий-маънавий мероси ўз аксини топади.

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан таъсис этилган Амир Темур ордени ҳам Ватанимизнинг ана шундай олий мукофотларидандир.

Амир Темур тарихимиздаги энг ёрқин, энг буюк сиймолардан бири сифатида халқимизнинг миллий ифтихори, мустақиллик ва озодлик рамзига айланган. Мана, етти асрки, Соҳибқирон бобомизнинг иши, сўзи, қудрати ва даҳоси жаҳон аҳлини лол қолдириб келмоқда. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ, асрлар давомида аждодларимиз томонидан яратилган улуғ, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1996 йили Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги мамлакатимизда ва халқаро миқёсда кенг нишонланди. Мазкур сана муносабати билан юртимизда ўша йил Амир Темур йили деб эълон қилинди. Давлатимиз раҳбарининг фармонига биноан Амир Темур ордени таъсис этилди.

Амир Темур ордени билан давлатчиликни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, меъморчиликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, давлатлараро ҳамкорликни, тинчликни ҳамда халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ишига алоҳида ҳисса қўшган мамлакатимиз фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланади. “Давлат мукофотлари тўғрисида”ги қонунда фуқаролар билан бир қаторда, айрим ҳолларда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ижодий жамоалар ва ҳарбий бўлинмалар, шунингдек, мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳам ушбу орден билан тақдирланиши мумкинлиги қайд этилган.

1996 йил 28 августда бобокалонимизнинг 660 йиллик юбилейи арафасида Президентимиз фармонига биноан Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари Амир Темур ордени билан мукофотланди.

Маълумки, бу икки шаҳар Амир Темур ҳаёти ва фаолиятида муҳим ўрин тутган. Соҳибқирон бобомиз қадим Кешда дунёга келиб, Самарқандни ўз салтанатининг пойтахтига айлантирган. Қачонки, биз Амир Темурни ёд этар эканмиз, Соҳибқирон салтанатининг пойтахтини ҳам эҳтиром билан тилга оламиз. Чунки Амир Темур ва Самарқанд тушунчаларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиш қийин. Самарқанд, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳардир. Ушбу шаҳарнинг ана шу оламшумул шуҳратига, тенгсиз салобатининг юксалишига, шонли тарихига Амир Темур бобомиз беқиёс ҳисса қўшган.

Амир Темурдай улуғ зотни камолга етказган Кешнинг миллатимиз тарихидаги ўрни беқиёсдир. Соҳибқирон ўз ота маконини беҳад қадрлаган. У ҳар гал сафардан қайтгач, даставвал Кешни зиёрат қилган. Улуғ зотларнинг тарих осмонига юксаладиган манзиллари бўлади. Шаҳрисабз Амир Темур учун ана шундай парвоз нуқтасидир.

Мустақиллик йилларида бошқа шаҳарларимиз қатори бу икки қадимий кентда ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ва бу эзгу иш давом этмоқда.

2004 йилнинг 13 июль куни ўзбек ўғлони Рустам Қосимжонов шахмат бўйича Жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Бу оламшумул ғалаба ўзбек номини, Ўзбекистон шуҳратини янада оширди. Ёш шахматчимизнинг бу юксак ғалабаси Президентимиз Ислом Каримов томонидан муносиб баҳоланди — Рустам Қосимжонов Амир Темур ордени билан тақдирланди.

Бобокалонимиз Амир Темур сиймоси ифодаланган орден халқимизни янгидан-янги марраларга, ютуқларга ундовчи куч, миллатимизнинг ғурур ва ифтихори тимсоли бўлиб қолаверади.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

Газета сайтида материаллар ўзбек (лотин графикасида) ва рус тилида берилмоқда.

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2007 йилнинг қолган муддати учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ: ҚОНУНЛАР ҲАМ МУРУВВАТНИ ҚЎЛЛАЙДИ

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган устивор вазифалар ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар ўзагини ташкил этувчи муҳим масалалардан бири саналади.

Албатта, бу жараёнда давлат бош ислоҳотчи сифатида умумхалқ манфаатларини таъминловчи турли чора-тадбирлар ташкилотчиси ва ташаббускори бўлаяпти. Зеро, бунинг ҳуқуқий асослари миллий қонунчилигимиз орқали ҳам белгилаб берилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида шундай дейилади: "Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас."

Аён бўладики, адолатли давлатимиз юрт аҳлининг ҳар қандай шароитда ҳам ёлғизланиб қолмаслиги, меҳр-мурувватга муштоқ бўлмаслиги учун имкон қадар ғамхўрлик кўрсатмоқда.

Бош Қомусимизда ижтимоий ҳимояга дахлдор яна шундай модда (64-модда) бор: "Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради."

Мазкур моддани диққат билан кўздан кечирсак, унда ижтимоий ҳимоя масаласи нафақат давлатнинг, балки жамиятнинг, яъники барчамизнинг зиммамизга ўта масъулиятли вазифалар юклашига амин бўламиз.

Дарҳақиқат, мустақиллик даврида турли йил номларига мувофиқ ишлаб чиқилаётган йил дастурлари, ҳукуматимиз, Президентимиз Қарор ва Фармонларида ҳам аҳолининг эҳтиёжманд қатламини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга доир вазифалар белгиланар экан, уларнинг ижросида давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда жамиятнинг ҳам фаол иштироки зарурлиги уқтирилади.

Қувонарли жиҳати, айни пайтга келиб мамлакатимизда бу борада самарали тизим ишлаяпти. Юртдошларимизни хайрли ишларга кенг жалб қилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда.

Дилшод ХЎЖАНОВ,
Тошкент Давлат юридик институти талабаси.

Мулоқотлар тарихи ва бугуни: Ўзбекистон — Миср

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Миср Араб Республикасига қилган расмий ташрифи давомида бу икки мамлакат ўртасидаги тарихий муносабатларга ҳам муносиб баҳо берилди.

Миср ҳукумати икки мамлакат халқларининг кўп асрлик илмий-маданий алоқалари тимсоли ўлароқ, Аҳмад ал-Фарғонийга ҳайкал ўрнатишга қарор қилгани ҳамда Президентимизнинг ташрифи доирасида ушбу ҳайкалнинг очилиш маросими бўлиб ўтгани юқоридаги фикримизнинг биргина тасдиғидир.

СУРАТДА: *Қоҳира шаҳрида Аҳмад ал-Фарғонийга ўрнатилган ҳайкал. Ушбу ёдгорликнинг очилиш маросими Президент Ислом Каримовнинг шу йил 17-19 апрель кунлари Миср Араб Республикасига қилган расмий ташрифи чоғида Юртбошимиз иштирокида бўлиб ўтди.*

НИЛ БИЛАН ТИЛЛАШГАН ОЛИМ

у буюк ватандошимиз Аҳмад ал-Фарғоний эди

Илк ўрта асрларда Мовароуннаҳр араблар томонидан фатҳ этилгач, Марказий Осиё ва Араб халқлари ўртасида иқтисодий-сиёсий ва маданий-маърифий алоқалар тобора жонланди. Жумладан, буюк эҳромлар юрти — Миср билан Мовароуннаҳр ўртасида мустаҳкам боғлиқликнинг вужудга келиши ҳам айнан шу даврга тўғри келади. Қолаверса, Миср тарихида давлатни идора этишда, яъни бу юрт заминида ҳукмрон бўлган улкан империяларга асос солинишида ҳам кўҳна Мовароуннаҳр билан боғлиқ жиҳатлар кўп. Яъни, бугун ўтмиш саҳифаларини варақласак, Мисрда ҳукмронлик қилган бир қатор шаҳслар аслида Мовароуннаҳрдан етишиб чиққани аён бўлади. Жумладан, Қадимий Мисрда ҳукмронлик қилган ва асли келиб чиқиши бухоролик бўлган Тулунийлар сулоласи тарихда муҳим ўрин тутади. Тулунийлар сулоласи Мисрда 868 йилдан 905 йилгача ҳукмронлик қилган. Сулола асосчиси Аҳмад ибн Тулун турк ҳарбий лашкарбошиларидан бири эди (Унинг отаси IX асрнинг бошларида Бухородан банди қилиб олиб келинган). У Мисрга Аббосий халифалар ноибининг ёрдамчиси сифатида келиб, кейинчалик ўзи ноиб даражасига кўтарилади ва Фаластин ҳамда Сурия ҳудудларида ҳам ҳукмдорлик қилади. Аҳмад Тулуннинг ўғли Хумаравайҳ даврида (884 й) ҳам Тулунийлар сулоласи ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаган бўлса, Хумаравайҳ ўз ҳукмронлиги даврида янги халифа ал-Мутадид билан бир неча битимлар тузиб, ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлади. Лекин Хумаравайҳнинг вафотидан (896 й) сўнг Тулунийлар сулоласи кучсизланиб, кейинчалик ҳукмронлик барҳам топди. Миср тарихчилари Тулунийлар сулоласи ҳукмронлик қилган даврни "Олтин аср" деб ҳисоблашади. Негаки, Аҳмад Тулуний ҳукмронлик қилган даврда Миср қудратли давлатга айланди. Ҳукмдор томонидан кучли ҳарбий-денгиз флоти ташкил қилинди. У Тулунийлар сулоласи пойтахти бўлган Фустатнинг сиёсий-иқтисодий жиҳатдан ривожланишига ҳам катта эътибор берди. Қурилиш ишларини ривожлантириб, пойтахт — Фустатда ҳарбий шаҳарча ташкил қилди.

Қадимий Миср тарихида Мамлуклар сулоласи ҳам асосий ўрин тутади. Икки ярим асрдан зиёд вақт мобайнида ҳукмронлик қилган бу сулола тарихида ал-Музаффар Сайфиддин Кутузнинг ҳукмронлик даври (1059 й.) Миср ижтимоий-сиёсий ҳаётида салмоқли аҳамиятга эга. Тарихчи Шамсиддин ал-Жазрийнинг ривоят қилишича, Сайфиддин Қутуз Жалолиддин Хоразмшоҳнинг жияни (опасининг ўғли) бўлиб, у ўз юртида Хоразмшоҳнинг мўғулларга қарши жангларида иштирок этган. Кейинроқ парокандаликка учраган Хоразм халқи қаторида Дамашққа келган.

Сайфиддин Қутуз ҳукмронлиги даврида Миср ва Сурияда иқтисод, маданият ва санъат ривожи барқарорлашди. Меъморчилик, ҳунармандчилик, чилангарлик ва бошқа санъат соҳалари ҳам ривожланди. Ўрта ер денгизи ҳудудида жойлашган мамлакатлар билан савдо-сотиқ алоқалари жонланди. Дунёга таҳдид солаётган Чингизхон империяси Миср султонлигига ҳам ҳужум бошлаганда Сайфиддин Қутуз барча ҳукмдор мусулмон сулолаларини бу босқинчиларга қарши курашишга чорлади. Кўп сонли армия тузиб уларга қарши курашди.

Миср ва Мовароуннаҳр ўртасидаги алоқалар, айниқса, илм-фан ва маданият соҳасидаги ҳамкорлик ришталари орқали ҳам мустаҳкамлик, барқарорлик касб этгани тарихдан маълум. Аниқроқ айтганда, азалдан илм-фан ва маданиятнинг йирик марказларидан бири бўлган заминимизнинг довруғини жаҳон узра достон қилишда кўплаб олиму фузалоларимизнинг хизмату ҳиссаси беқиёс. Хусусан, насафлик олим Абу-л Фазл ва Абу Абдурраҳмон Исмоил ибн ал-Йасаъ ибн ар-Рабиъ ан-Насафий ҳам мисрликларни юртимиз билан таништиришда муносиб ҳисса қўшган.

VIII асрда яшаб ўтган ушбу олим ҳақида манбаларда жуда кам маълумот учрайди. У ҳақда асосан XIV асрда яшаган Миср тарихчиси Муҳиддин Абу Муҳаммад Абдулқодир ал-Қурашийнинг (1297-1373) қаламига мансуб "ал-Жавоҳир ал-музиййа фи табақот ал-Ҳанафиййа" ("Ҳанафий тоифалар ҳақида порлоқ жавоҳирлар") номли асарда маълумотлар келтирилган. Жумладан, мазкур асарда шундай дейилади: "Ан-Насафий Мисрда қози бўлиб, у ҳанафия (Имоми Аъзам) мазҳаби бўйича биринчи маротаба Мисрда қозилик мансабини эгаллаган, чунончи, Миср аҳли ўша пайтгача Абу Ҳанифа мазҳаби таълимотидан бехабар бўлган. Миср тарихчиси Абу Саъийд ибн Юнус "Ғурабо аллазийна қадиму Миср" ("Мисрда бўлган бегоналар") номли асарида шундай ҳикоя қилган: "Қози ан-Насафийдан мисрлик олимлар — Абдуллоҳ ибн Ваҳб, Саъийд ибн Собиқ, Саъийд ибн Абу Марям ва Абу Солиҳ ал-Журжоний (бошқа баъзи манбаларда ал-Ҳарроний деб келтирилган) ҳадис ривоят қилганлар". У Мисрда қозиликни салтанат соҳиби халифа ал-Маҳдий даврида — 780 йилда эгаллаган эди. Абу Саъийд ибн Юнус ўз асарида яна қуйидагиларни ҳикоят қилади: "Бизга Аҳмад ибн Саъийд ибн Абу Марям ҳикоя қилганди, унга амакиси шундай деган: "Ибн Лаҳийъадан кейин бизга Исмоил ибн ан-Насафий қози бўлиб келди. У қозиларимизнинг ичида энг яхшиси бўлиб, Абу Ҳанифанинг таълимоти бўйича иш юритарди..."

Араб халифалиги жаҳоннинг йирик империяларидан бирига айланган ўрта асрларда Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан кўплаб мутафаккирлар унинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим ўринга эга бўлдилар.

IX асрда яшаб ўтган Абу-л-Аббос ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний халифа Ҳорун ар-Рашиднинг (786-809) ворислари ал-Маъмун Абдуллоҳ ибн Ҳорун ар-Рашид (813-833), Муътасим (833-842) ва Абу Фазл Жаъфар ал-Мутаваккил (846-861 ҳукмронлик қилган даврда аввал Марв, сўнгра Бағдод, Дамашқ ва Қоҳира (Миср) шаҳарларида илми ҳайъат, фалакиётшунослик (астрономия), риёзиёт (математика), жўғрофия (география) фанлари билан шуғулланди ва қатор илмий-амалий асарлар ёзиб қолдирди.

Тарихдан маълум бўлишича, кексайиб қолган Аҳмад ал-Фарғоний 861 йилда халифа Мутаваккил фармони билан қадимги Қоҳира — Фустат шаҳрига юборилади. Бу ерда Аҳмад ал-Фарғоний Нил дарёси дельтаси (адоғи)нинг юқори қисмида — Равза оролида дарёнинг Сайёратул ар-Рудаҳ тармоғи бўйида барпо этилаётган сув иншооти қурилишида қатнашади ва дарё оқимининг мавсумий даражотини ўрганади ҳамда сув сатҳини ўлчайдиган устурлобни кашф қилади. Нил дарёси бўйида қурилган бу қадимги гидротехника иншооти ёзма манбаларда "Миқёс ан-Нил", Овропо адабиётида "Нилометр" номлари билан шуҳрат топган.

"Миқёс ан-Нил" Нил дарёси оқимидаги мавсумий ва даврий ўзгаришларни муттасил кузатиб, дарё сатҳи даражотларини белгилаш мақсадида бино қилинган ўзига хос мураккаб, ноёб ва қадимий гидротехник иншоотдир. Миср ҳудудида 20 га яқин нилометрлар бино қилиниб, улардан энг машҳурлари Миср водийсининг юқори қисмида жойлашган Қубош, Алофантин, Асуан, Адфу, Асна, Луқсор, Қарнайа ва Рудаҳ иншоотларидир.

Рудаҳ Миқёси орқали белгиланган даражотнинг баланд ёки паст бўлиши Миср водийсида деҳқончилик мавсумида ҳосилдорликнинг қандай бўлишини олдиндан маълум даражада билиб олишдек ҳаётий башорат сифатида қабул қилиниб, унга катта аҳамият берилган.

Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, агар Нил дарёсида суғориш мавсумида сув сатҳи фақат 12 тирсаккача кўтарилса, деҳқончиликда ҳосил мутлақо бўлмай, мамлакатда очарчилик бошланган, 13 тирсакда эса буғдой ҳосил тугмаган, 14 тирсак ҳажмда ўртача ҳосил етиштирилган, 15 тирсакда экинлар яхши ҳосил берган, 16 тирсакда эса ҳосил ниҳоятда кўп бўлиб, мамлакатда маъмурчилик бошланган. Хуллас, Нил дарёси оқимидаги мавсумий ўзгаришлар ва уларнинг даражотлари муттасил кузатилиб, оқим сатҳини белгилаш, шубҳасиз, Миср деҳқончилиги тақдирини белгилаб берган.

Иншоот девори бўйлаб араб тилида нилометр ҳақидаги тошга ўйиб ишланган ёзувлар жойлаштирилган. Унда ушбу нилометрнинг таниқли астроном ва математик олим Абу-л-Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний томонидан бунёд этилгани ҳам кўрсатилган бўлиб, ёзувлар ҳозирга қадар сақланиб қолган.

Ибн ал-Зайр "Кавоний зайира" (1412 й) асарида ёзишича, Миср халқи ҳаёти ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк ватандошимиз Аҳмад ал-Фарғоний вафотидан сўнг Қоҳира яқинидаги Карафа мақбарасига дафн этилган.

Бахтиёр ОБИДОВ,
Исроил ЭЛМУРОДОВ,
тарих фанлари номзодлари.

Тошкент шаҳри

Хотин-қизлар форуми

Жамиятни демократлаштириш: УНДА МАҲАЛЛА АЁЛЛАРИНИНГ ЎРНИ

Бугунги кунга келиб жаҳон ҳамжамиятида рўй бераётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнларда хотин-қизларнинг фаол иштироки кўзга ташланмоқда. Маълумки, мамлакатимизда аёлларнинг жамиятда тутган ўрни, сиёсий онги ва ҳуқуқий билимини ошириш, уларни ижтимоий ҳимоялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Бу борада Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, яқинда пойтахтимизда маҳалла етакчи аёлларининг ва хотин-қизлар жамоат ташкилотларининг форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика "Маҳалла" жамғармаси, хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотларининг "Меҳр" бирлашмаси, ҳамда Ўзбекистон ННТларни қўллаб-қувватлаш фонди ташаббуси билан ўтказилган мазкур форумда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, Олий Мажлис депутатлари, "Маҳалла" жамғармасининг вилоят бўлимлари мутасаддилари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ўзини ўзи бошқариш органларида фаолият юритаётган 100 нафардан зиёд аёллар иштирок этишди.

Форумнинг очилиш маросимида "Маҳалла" жамғармаси Республика бошқаруви раиси Анвар Аҳмедов ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Фарида Акбарова сўзга чиқиб, республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида аёлларнинг ўрни тобора юксалиб бораётганини таъкидлашди.

"Жамиятнинг демократик ривожланишида маҳалла етакчи аёлларининг ролини ошириш истиқболлари" мавзусида ўтказилган ушбу тадбирда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик жараёнларда, ижтимоий-сиёсий, маданий-иқтисодий ҳаётда хотин-қизларнинг тўлақонли иштирокини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, кўп болали ва имконияти чекланган аёлларни ижтимоий муҳофаза қилиш, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, уйда ўтирган хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларга микрокредитлар ажратилишида квотага эришиш, касаначиликни ривожлантириш каби масалалар муҳокама этилди.

— Аёлларнинг жамиятдаги фаоллигини оширишни ўзини ўзи бошқариш органларидан бошлашга катта этибор қаратилмоқда. Негаки, республикамизнинг ҳар бир фуқароси маҳаллада истиқомат қилади. Кўзланган мақсадларга эришишда маҳалла аёллари ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини ўтказиш яхши самара бераяпти, — дейди "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси ўринбосари Гулнора Йўлчиева. — Айниқса, бу борада маҳаллаларда фаолият юритаётган 9155 нафар хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари раислари ҳамда 7837 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маҳалла маслаҳатчиларининг роли аҳамиятга молик.

Форум сўнгида кўрилган масалалар ва иштирокчилардан тушган таклифлар асосида резолюция қабул қилинди. Шунингдек, келгусида бундай тадбирларни республикамиз вилоят ва туманларида ҳам мунтазам равишда ташкиллаштириш режалаштирилди.

Наргис БЕРДИБОЕВА.
Ш.ЗУЛФИҚОРОВ олган сурат.

Бир мактабга ҳамкор уч маҳалла...

Миробод туманидаги 57-ёрдамчи мактаб-интернатда 231 нафар имконияти чекланган бола таълим олади. Айни пайтда бу ерда ўқувчиларга 4 та йўналиш бўйича ҳунар ўргатилмоқда.

Қиз болалар мавжуд тўртта тикувчилик устахонасида миллий кўринишдаги рўзғор буюмларини тикишни ўрганишаётган бўлса, ўғил болалар этикдўзлик, дурадгорлик ва чилангарлик сир-асрорларини ўзлаштирмоқдалар.

Мактабда "Мактаб-маҳалла-оила" концепцияси асосида ҳам ишлар яхши йўлга қўйилган. Бу борада тумандаги Наврўз, Истиқлол ва Сариқўл маҳалла фуқаролар йиғинлари мактаб маъмурияти билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Шунингдек, мактабда байрам тадбирларини ўтказишда ҳам мазкур маҳалла фаолларининг ёрдами катта бўлмоқда.

СУРАТЛАРДА: *мактаб ҳаётидан лавҳалар.*

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ижроси — амалда

"Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этишда энг намунали маҳалла" республика кўрик-танловининг НИЗОМИ

I. Кўрик-танловнинг мақсади

Ижтимоий ҳимоя йилида фуқаролар йиғинлари томонидан аҳолининг ижтимоий ва моддий муҳофаза қилиниши борасида йиғин кенгашлари орқали жамиятда қарор топган ҳуқуқий, иқтисодий чора-тадбирлар мажмуини ҳаётга жорий қилиш амалиётини, маҳалла аҳолиси фаровонлигини таъминлаш даражасини аниқлаш;

— ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлигини ошириш, аҳоли ижтимоий ночор қатламларининг турли тоифаларига ёрдам кўрсатиш, жамиятда эзгулик, меҳр-мурувват ва ҳамжиҳатлик, тинчлик ва осойишталик муҳитини мустаҳкамлашда, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган чора-тадбирларни рўёбга чиқаришда, кам таъминланган оилаларга давлат мададини манзилли етказишда фаоллик кўрсатган энг намунали маҳаллани аниқлаш ва унинг фаолиятини оммалаштириш.

II. Кўрик-танлов шартлари

1. Кўрик-танлов Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллалари ўртасида 2007 йил "Ижтимоий ҳимоя йили" муносабати билан ташкил этилади.

2. Кўрик-танлов Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) Оқсоқоллар Кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси томонидан ташкил этилган комиссиялар томонидан ўтказилади.

3. Кўрик-танловда иштирок этиш учун фуқаролар йиғини кенгашлари қуйидагиларни ўз ичига олган ҳолда фаолият йўналишлари бўйича маълумотларга эга бўлишлари лозим:

— маҳаллада аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида умумий маълумот (маҳалла паспорти илова қилинади);

— оилалар сони, шундан кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга 2003-2007 йилларда кўрсатилган моддий ёрдам (жадвали бўйича) ҳақида маълумот;

— "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури асосида ишлаб чиқилган "Фуқаролар йиғини ҳудудида ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш бўйича услубий қўлланма"дан фойдаланиб, фуқаролар йиғини кенгаши тасарруфида ташкил этилган "Ҳомийлар Кенгаши" фаолияти ҳақида батафсил маълумот;

— маҳалланинг ўз ички имкониятларидан келиб чиқиб, ўз ҳудудидаги фуқаролар, хусусан, ўзига тўқ бўлган оилалар, тадбиркорлар ва бошқа саховатпеша инсонлардан ёрдамга муҳтож оилаларга ёки уларнинг аъзоларига турли хилдаги моддий, маънавий ёрдам кўрсатишнинг ташкилий ишлари ва амалиётининг натижалари ҳақида маълумот;

— кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва болали муҳтож оилаларга нафақалар тайинлаш масалаларини давлат органлари (назорат-тафтиш комиссияси, прокуратура) томонидан 2003-2007 йиллар давомида ўрганиш натижалари ҳақида ахборот;

— моддий ва маънавий кўмакка муҳтож бўлган ёш оилалар мустақил ҳаётга қадам қўйишида уларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилган ишлари юзасидан маълумот;

— ўзгаларнинг парвариши ва ёрдамига муҳтож ёлғиз кекса фуқароларга кўрсатилган ёрдам ҳақида маълумот;

— маҳалланинг моддий ва молиявий базасини яратиш, тадбиркорликни ривожлантириш ишларини йўлга қўйилганлиги ҳақида маълумот;

— муҳтож оилаларга коммунал тўловлар қарздорлигини камайтиришда олиб борилган амалий ишлар ҳақида маълумот;

— қишлоқ ҳудудлардаги кўп болали ёрдамга муҳтож оилаларга 2006-2007 йиллар давомида биттадан бепул қорамоллар берилганлиги ҳақида маълумот;

III. Кўрик-танловни ташкил этиш

Кўрик-танлов жойларда Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси бўлим ва бўлинмалари ҳамда тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда тузилган комиссиялар томонидан ўтказилади.

IV. Кўрик-танлов босқичлари

Кўрик-танлов босқичма-босқич ўтказилади.

Биринчи босқич

2007 йил 1 июлдан 15 августга қадар маҳаллалараро туман ва шаҳарларда тегишли комиссиялар томонидан ўтказилиб, бунда ҳар бир туман, шаҳардан биттадан энг намунали маҳалла саралаб олинади ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссияларига тақдим этилади.

Иккинчи босқич

2007 йил 15 августдан 15 сентябргача ўтказилиб, бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссиялари туман, шаҳарда биринчи ўринни эгаллаган фуқаролар йиғини фаолиятини яна бир бор жойларда батафсил ўрганиб чиқадилар, биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларга муносиб намунали маҳаллани аниқлайдилар. Биринчи ўринни эгаллаган маҳалла Республика комиссиясида кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

Учинчи босқич

Кўрик-танловнинг Республика босқичи 2007 йил 15 сентябрдан 15 октябргача Республика комиссияси томонидан ўтказилади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кўригида биринчи ўринга сазовор бўлган маҳалланинг эришган ютуқлари Республика комиссияси томонидан яна бир бор ўрганилиб, Республика комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва I, II, III ўринларга лойиқ номзодлар аниқланади.

V. Кўрик-танлов якунлари бўйича тегишли ҳужжатлар ва уларни тақдим этиш тартиби

Кўрик-танловда қатнашган маҳалла фуқаролар йиғини кўрик-танлов шартларига биноан, ушбу Низомнинг II бандида кўрсатилган маълумотларни, керакли иловалар (фотоальбом, стенд, диаграммалар ва бошқалар) билан бирга фуқаролар йиғини кенгаши қарори билан тегишли туман (шаҳар) комиссияларига белгиланган муддатда тақдим этадилар.

Тақдим этилган ҳужжатлар маҳалла фуқаролар йиғини кенгаши раиси томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Туман (шаҳар) комиссиялари ғолиб деб топилган маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳужжатларини туман (шаҳар) Оқсоқоллар Кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси бўлинмаси бошқаруви раёсат қарори билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кўрик-танлов комиссияларига тақдим этадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кўрик-танлов комиссиялари тегишли туман (шаҳар) комиссиялари тақдим этган маълумотларни кўриб чиқиб, биринчи ўринни эгаллаган маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятини ўзаро бир бор ўрганиш мақсадида, ўтказиш яхши самара бераяпти, — дейди "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси ўринбосари Гулнора Йўлчиева. — Айниқса, бу борада маҳаллаларда фаолият юритаётган 9155 нафар хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари раислари ҳамда 7837 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маҳалла маслаҳатчиларининг роли аҳамиятга молик.

Республика кўрик-танлов комиссияси томонидан аниқланган ғолиблар ҳужжатлари Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раёсати тасдиғига киритилади.

Ғолиблар "Mahalla" газетасида эълон қилинади.

VI. Кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш

Кўрик-танловнинг Республика босқичи ғолиблари Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқарувининг I, II, III даражали Дипломлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида I, II, III ўринни эгаллаган маҳалла фуқаролар йиғинлари "Маҳалла" жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлим бошқарувлари фахрий ёрлиғи, эсдалик совғалари билан рағбатлантирилади.

Наманган вилояти

Йиғин ходими фаолиятидан:

масъул котиб МУАММОЛАР МУЛОҚОТДА ОЙДИНЛАШАДИ

Янгиқўрғон туманидаги Навкент қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи аҳоли ташкилотчи ва ташаббускор инсон Садриддин Қозоқовни маҳалла ишининг жонкуяри сифатида қадрлайди. Олийгоҳни тугатиб, маълум муддат қишлоқ мактабида ўқувчи-ёшларга таълим-тарбия берган Садриддин мана 13 йилдирки Навкент қишлоқ фуқаролар йиғинида котиб лавозимида фаолият юритмоқда.

Айтиш жоизки, ўтган ўн уч йил Садриддин Қозоқов учун қизғин иш даври бўлди. Бу орада қишлоқ оқсоқоллиги лавозимида олти нафар киши ишлаб кетди. Шунга қарамай, котиб изчил равишда ўз ишини давом эттириб келаяпти. Ваҳоланки, қишлоқ кичкина эмас. Унинг ўрамида олтита маҳалла мавжуд. Ушбу маҳаллаларда 4102 та оила, салкам ўн етти минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Садриддин қишлоқ аҳолиси билан доимий мулоқотда бўлади. Уларга у ёки бу масала юзасидан ёки бирор муаммонинг ечимини топишда имкон қадар ёрдам кўрсатади, маслаҳат беради.

Котибнинг йиғин ишини ташкиллаш борасидаги маҳоратини Булоқбоши маҳалласи фуқаролар йиғинига саккиз йилдан бери раислик қилиб келаётган Ҳамиджон ака Танғриқулов шундай эътироф этади:

— Садриддин йиғин фаолиятига доир барча ҳужжатларни юксак савияда юритади. Қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларидаги ҳар бир ишга камарбаста.

— Ҳамиджон ҳақ гапни айтди, — дейди меҳнат фахрийси Юсуфжон ота Тожибоев, — қачон Садриддинга мурожаат қилмайлик доимо гапларимизни эътибор билан тинглайди. Каттаю кичикнинг кўнглига бирдек йўл топа олади.

Аскарали МАМАТОВ

Воқеалик ва ҳақиқат: хорижга бориб ишлаш тартиби қандай?

ЁЛЛАНИШ ИЛИНЖИДА ТОВЛАМАЧИ ТУЗОҒИГА ИЛИНМАНГ!

Ташқи меҳнат миграцияси масаласи бугунги кунда дунёдаги ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, айни пайтда сиёсий аҳамиятга молик муҳим масалаларидан бирига айланган. Шу боисдан дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида бу жараённи тартибга солиб турувчи маълум меъёрий тартиб-қоидалар ишлаб чиқилган. Лекин бу жараёнда, яъни чет элга меҳнат қилиш учун боришга оид ҳаракатларда фуқаролар, ўзини шу соҳага алоқадор мутасадди деб кўрсатувчи айрим фирибгарлар томонидан у ёки бу мамлакатнинг тартибларига зид, ноқонуний ҳолатлар юз бермоқдаки, оқибатда бу ҳолат нафақат давлатлар иқтисодиёти, ҳатто тинчлигига анча-мунча хавф туғдираётган муаммолардан бирига айланиб, бу муаммо ҳар қанча чора-тадбирларга қарамай, ҳозирча бутунлай ўз ечимини топган эмас. Бундан ташқари, чет элга чиқиб ишлаган одам тез ва осон бойиб кетади, дея нотўғри фикрловчи кишиларнинг қандай йўл билан бўлмасин хорижга боришга интилаётгани туфайли уларни турли фириб йўлларига бошлаб, чув тушираётган товламачилар ҳам кўпайиб кетмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи меҳнат миграцияси масалалари Агентлиги бу соҳа бўйича масъул идора сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига мувофиқ фаолият юритиб келмоқда. "Халқ сўзи" газетасининг 2007 йил 31 январь сонида Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан 2007 йилдан бошлаб мамлакатимиз фуқароларини Корея Республикасига "Эркин ёллаш" тизими асосида ишга юборишга тайёргарлик кўрилаётганлиги ва хусусан, корейс тили бўйича тест синовларини ўтказиш учун ташкилий ишлар амалга оширилаётганлиги тўғрисида мақола чоп этилган эди.

Бироқ меҳнат миграциясига оид тартиб-қоидалар Агентлик томонидан оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритилиб борилаётганига қарамай, фуқароларимизнинг фирибгар ва товламачилар тузоғига "илиниб" қолиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Афсуски, бу борада фирибгар кимсалар билан бир қаторда қаллобликдан тоймайдиган турли фирмалар пайдо бўлмоқда. Агентликка келиб тушаётган маълумотларга кўра, бу товламачи кимсалару фирмалар ўзларини Ташқи меҳнат миграцияси масалалари Агентлигининг жойлардаги «вакиллари» деб таништираётганликлари ачинарли ҳолдир. Улар маълум миқдордаги маблағ эвазига фуқароларни "рўйхатга" олиб, гўёки бу рўйхатни Агентликнинг маълумотлар базасига "киритиб" қўймоқдалар. Яна қўшимча харажат эвазига бошқа хизматлар ҳам "кўрсатиладди". Масалан, улар Корея Республикасининг "Эркин ёллаш" тизими асосида ишга кетиш учун корейс тили бўйича олинадиган тест синовидан муваффақиятли ўтказиб қўйишни ваъда бермоқдалар. Ҳуқуқий саводсиз айрим юртдошларимиз уларнинг тузоғига илиниб, алданганликларини вақт ўтиб, яъни бу фирмалар тез орада "фаолиятини" тугатиб, жуфтакни ростлаб қолгачгина англашмоқда. Бундан ташқари, товламачи шахслар корейс тилидан тест синови қайси кун ўтиши-ю тест саволларига жавоблар ўзларига маълумлигини таъкидлаб, одамларни лақиллатишмоқда. Ваҳоланки, бугунги кунда Агентликнинг вилоятларда бўлимлари, ходимлари ёки вакиллари мавжуд бўлмай, ташқи меҳнат миграцияси билан боғлиқ ишлар фақатгина Агентликнинг пойтахтдаги идорасида юритилмоқда.

Яқинда Агентликка Тошкент шаҳри Юнусобод туманида истиқомат қилувчи Музаффар исмли бир йигит мурожаат қилиб, Жамол исмли бир таниши 3000 АҚШ доллари эвазига тест синовларидан муваффақиятли ўтказиб қўйишни ваъда қилаётгани ҳақида маълумот берди. Ўша Жамол деган товламачи "Тест фалон куни бўлади, унгача керакли маблағни олишим керак", дея Музаффарни ҳоли-жонига қўймаётган эмиш. 3000 АҚШ доллари кичкина маблағ эмас, албатта. Музаффар оила аъзолари билан маслаҳатлашгач, уларнинг қистови билан Агентликка мурожаат қилган. Ана шу мурожаат уни товламачи тузоғидан сақлаб қолди. Лекин юртимиз бўйлаб, айниқса, олис қишлоқларда ўзини "дунё кўрган" билағондек тутувчи ёлғончию фирибгарларнинг фирибига лаққа ишонаётган, қарзҳавола қилиб бўлса-да, товламачи айтган маблағни йиғиб, унга топшираётган, бу билан ўзи билиб-билмай товламачиларнинг тегирмонига сув қуяётган минглаб юртдошларимиз охир-оқибат ўзининг гўллигидан, ҳуқуқий саводсизлигидан афсус-надомат чекиб қолмоқда.

Шу ўринда тест жараёни билан боғлиқ товламачиликларнинг яна бир кўриниши хусусида ҳам тўхталиш лозим бўлади. Корея Республикасига "Эркин ёллаш" тизими иштирокчиларини гўёки тест синовларига тайёрловчи ўқув курслари Фарғона ва Тошкент шаҳарларида очилган эмиш. Бу ўқув курсларида кореялик муаллим машғулот юритиб, бу курсни битирган ва унинг махсус сертификатини қўлга киритганлар "Эркин ёллаш" тизими тест синовларидан ҳеч бир қийинчиликсиз ўтар эмишлар. Турган гапки, бу ўқув курсида корейс тилидан сабоқ олиш учун маблағ тўланади, тахминан 100-300 минг сўм атрофида...

Аслида эса, Корея Республикасининг мутасадди ташкилотлари талабларига биноан Ўзбекистонда ўтказиладиган корейс тили бўйича тест синовларида қатнашиш учун ҳеч қандай махсус сертификат ёки гувоҳномалар талаб этилмайди ва албатта, бундай ҳужжатларнинг мавжудлиги тест синовидан ўтувчига ҳеч қандай имтиёз ҳам бермайди. Бу синовларда Корея Республикасига бориб ишлаш истаги бўлган ва қуйидаги талабларга жавоб берадиган республикамизнинг ҳар бир фуқароси ихтиёрий равишда иштирок этиши мумкин: Биринчидан, бу фуқароларнинг ёши 18 дан 39 гача бўлиши лозим. Иккинчидан, бу шахс бунгача Корея Республикаси ҳудудидан мажбурий равишда чиқариб юборилмаган, яъни депортация қилинмаган бўлиши ва учинчидан, фуқаронинг Ўзбекистон Республикасидан хорижга чиқиши таъқиқланмаган бўлиши шарт.

Айни пайтда республикамиз фуқароларининг Корея Республикасига ёлланма меҳнат қилиш учун юборилишига доир ташкилий ишлар Агентлик томонидан ниҳоясига етказилмоқда. Фуқароларни рўйхатга олиш ишлари ҳали бошланганича йўқ. Рўйхатга олиш ишлари Корея Республикаси ваколатли ташкилотлари масъул ходимларининг бевосита иштирокида, ошкоралик тамойилларига таянган ҳолда амалга оширилади. Бундан ташқари, рўйхатга олиш шартлари ва муддати ҳақида олдиндан оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликка эълон қилинади. Айни кунда ушбу эълон матни икки томон мутахассислари иштирокида тузилмоқда. Шуни олдиндан айтиш мумкинки, тест синовлари ҳафтанинг якшанба кунларидан бирига белгиланиб, республикамиздаги ўқув муассасалари биноларида ўтиши режалаштирилган. Тест вариантлари Кореяда тайёрланган бўлиб, ҳали юртимизга келтирилгани йўқ. Тест вариантлари тест куни яқинлашганда келтирилади ва ўша куни фуқаролар гувоҳлигида муҳрланган қадоғидан очилади. Тест синовлари жараёни Корея томони вакилларининг қатъий назорати остида бўлиб, бир-биридан кўчирган ёки сўзлашган иштирокчилар тестдан четлаштирилади ва уларнинг синов варақалари бекор ҳисобланади. Бу талаблар Агентлик ва кореялик мутасаддилар ўртасида тест синовларига доир имзоланган шартноманинг энг асосий шартларидир.

Корея Республикасига ва умуман, бошқа хорижий мамлакатларга ишлашга бориш истагида бўлган фуқаролар бевосита Ташқи меҳнат миграцияси масалалари Агентлигига мурожаат этишлари ёки фуқароларимизни турли фирибгарлару товламачилар фирибидан сақлаш мақсадида ишлаётган 132-27-88, 152-75-23 рақамли ишонч телефонлари орқали керакли маълумотларни олишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи меҳнат миграцияси масалалари Агентлиги матбуот хизматидан олинган маълумотлар асосида тайёрланди.

Бухоро вилояти

Шукрона

Одамзот дунёга келиб, ҳаёти давомида турмушнинг турли пасту баландликларига, похуш ва оғир ҳолатларига ўзи истамаган ҳолда дучор бўлар экан.

Хайриятки, ЯХШИЛАР бор...

Мен кўрган мусибат ҳеч қайси онанинг бошига тушмасин. Она учун фарзандининг азобланиб, қийналиб, тўшакка михланиб қолишини кўришдан ортиқ азоб бўлмаса керак.

2003 йилда қизим Зулайҳо тўсатдан бетоб бўлиб қолди. Уни аввал туман, сўнгра вилоят касалхонасида даволатдик. Унга аниқ бир ташхис қўйилмагач, Тошкент илмий-текшириш институтига олиб бордик. Ҳамма натижалар чиққач, унинг сурункали оққон (лейкоз) касалига дучор бўлганлиги аниқланди. Бу хабарни эшитгач, ёруғ дунё кўзимга қоронғу бўлиб кетди. Ҳар қанча елиб-югурмай, қизимнинг аҳволи кундан-кун ёмонлашиб борарди.

Ўз дардим, ўз ташвишим билан шаҳарма-шаҳар югуриб, шифо топиш илинжида юрган бир пайтимда уйдагилар нохуш бир хабарни яъни, 22 яшар ўғлим Зафаржон ҳалокатга учраб, вафот этганлигини айтишди. Менинг қандай аҳволга тушганим фақат Аллоҳга аён. Минг бир азобда ўғлимнинг маъракасини ўтказдик. Сўнгги умидим қизимдан, яъни, уни ҳаётга қайтариш эди.

Бир йил давомида уни ўз ҳисобимдан даволатдим. Оилавий аҳволим кундан-кунга оғирлашарди. Аввал туман ҳокими И.Хўжаевга, сўнгра вилоят ҳокими С.Ҳусеновга ёрдам сўраб мурожаат қилдим. Уларнинг менга кўрсатган меҳр-мурувватлари туфайли ҳаётдан умидим сўнмади. Айниқса, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Наргиза Неъматовадан ғоят миннатдор бўлдим. Дардимни ўз дардидай қабул қилди. Шуларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида "Пахтабанк"да ҳисоб рақами очишга ҳамда бир қанча ташкилотлардан ҳомийлик ёрдам пулларини олишга эришдим. 2005 йилда эса Москва шаҳрига бориб, умумий текширувдан ўтиб келишимизга Республика "Маҳалла" жамғармаси, унинг туман, вилоят бўлимлари ҳомийлик қилишди. Ҳатто Швейцариядан бепул дори-дармон келтиришни ҳам йўлга қўйиб бердилар.

Тумандаги бир қанча ташкилотлар ҳам ўз ҳомийлик ёрдамларини аямади. Айниқса, Олот нефть-газ қидирув экспедицияси, сутни қайта ишлаш корхонаси, туман пахта тозалаш заводи, марказий касалхона раҳбарларидан миннатдорман. Ҳакимлар О.Жуманиёзов, Ў.Вафоев, бош шифокор Н.Севиндиков, Арабхона қишлоқ ҳакимлик маскани бош ҳамшираси Ханифа Азимова, "Оқ олтин плюс" МТП раҳбари М.Тошпўлатов, "Абдулло бобо" фермер хўжалиги раҳбари Ш.Қуллиевлар беминнат ёрдам кўрсатди.

Аста-секин қизимнинг соғлиги тиклана бошлади. Ҳозирги кунда худди аввалгидай тенгдошлари қаторига қўшилди.

Менга меҳр-мурувват кўрсатган ана шундай саховатпеша инсонларга мингдан-минг раҳматлар айтаман. Шундай инсонпарварлик сиёсатини олиб бораётган Юртбошимизга ҳам раҳмат.

Зиёда ТОШЕВА.
Олот тумани Арабхона қишлоғи.

Тошкент вилояти

12 та тўй бола...

улар саховатли инсонлар ҳимматини бир умр унутмайдилар

Оҳангарон туманида ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг ўн икки нафар фарзандига хатна тўйи ўтказилди. Унга туман ҳокимлиги вакиллари, маҳалла оқсоқоллари, тўй болаларнинг қариндошлари ва бошқа меҳмонлар ташриф буюришди.

Тадбирнинг асосий ташкилотчилари Республика Тадбиркор аёллар уюшмасининг вилоят ва Оҳангарон тумани бўлими мутасаддилари бўлиб, улар ҳомийлик маблағлари ҳисобидан шундай савобли ишни амалга ошириш учун бел боғладилар.

Тўйга тўёна билан деганларидек, "Оҳангароншифер" акциядорлик жамияти спорт кийимлари, хусусий тадбиркор О.Азизов ўқув қуроллари совға қилиб, тўйболаларга бир олам қувонч улашдилар. Тўй дастурхонини безашда эса "Ҳожиакбар", "Саидаббос" фермер хўжаликлари ва хусусий тадбиркор И.Давронов яқиндан ёрдам берди. "Ўзбекнаво" бирлашмасининг Оҳангарон тумани бўлими томонидан таклиф этилган машҳур эстрада юлдузлари ва таниқли қизиқчилар тўйга алоҳида файз бағишладилар.

Нигора ТЎХТАМАТОВА

Олам турфа

МИЛИЦИЯ ҲАЗИЛНИ ЁҚТИРМАЙДИ

"Алло, бу милициями?" — аёл кишининг товуши эшитилди гўшакдан. "Тезда етиб келинглар, квартирада ўғрилар" деди яна ҳалиги овоз.

Бу сигнални Радянский туман ички ишлар бошқармасининг навбатчиси қабул қилди. Орадан беш дақиқа ўтиши билан тезкор гуруҳ айтилган жойга етиб келди. Маълум бўлишича, телефон қилган аёл милициянинг тезкорлигини синаш учун ҳазиллашган экан. Унга сохта чақириқ учун яхшигина жарима солинди.

ҲАЙВОН ҲАМ ҲИМОЯДА

Инсон ҳайвонни хафа қилиши мумкин эмас, ўз уйидаги итни хўрлаш эса ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Массачусетс штатидаги (АҚШ) Лоуэлл шаҳрида яшовчи 19 ёшли Кэвин Десхин шу оддий ҳақиқатни унутганди. Маҳаллий ҳакам занжирга боғланган итини бир неча марта тепгани учун Кэвинни 6 ой қамоқ жазосига ҳамда 500 доллар жарима тўлашга ҳукм қилди. Бир куни Десхин овчаркасини тепаётганини кўриб қолган қўшниси воқеани суратга олиб, ҳайвонларни ҳимоя қилиш шаҳар жамиятига топширади, улар эса ўз навбатида уни судга беришади.

Судда Десхин ит ҳовлини кўп ифлослантирмаслиги учун уни калтаклагандим, деб ўзини оқламоқчи бўлди. Оқловчининг фикрича, "жабрланувчи" қаттиқ тан жароҳати олмаганлиги туфайли, ҳимоясидаги киши жазоланмаслиги даркор. Суд ишини олиб борувчи ҳакам оқловчининг сўзларини нотўғри деб ҳисоблаб, Кэвин ишини жиноят деб топди.

Сурхондарё вилояти

Маҳаллада фидойилар

ГАЗАга АНДОЗА ИНСОН

унинг хайрли ишларидан маҳалладошлари ўрнак олишади

Бойсун тумани Газа маҳалласи маслаҳатчиси Абрайқул ота Эшниёзовни қирқ беш йилдан буён танийман. Ярим асрдан буён Газа маҳалласида умргузаронлик қилади. Меҳнаткаш, фидойи инсон сифатида одамлар орасида ҳурмати баланд, Газа маҳалласи йиғинининг маслаҳатчиси — яраштириш комиссияси раиси.

Отаси ҳалок бўлганда Абрайқул уч яшар эди. У волидаи муҳтарамаси тарбиясида улғайди. Дастлаб қишлоқ мактабида, сўнг Самарқанддаги кадрлар тайёрлаш курсида, Тошкент Қишлоқ хўжалик институтида таҳсил олди. Кейинчалик йирик хўжаликларни бошқарди, масъул вазифаларда ишлади. Айниқса, отахоннинг Шеробод-Бешқўтон чўлини ўзлаштириш йўлидаги кўп йиллик хизматлари таҳсинга лойиқ. Чўлни ўзлаштириш учун "юриш" бошланган ўтган асрнинг эллигинчи йилларида Абрайқул Эшниёзов олдинги сафда дадил қадам ташлади. Қийинчиликлардан чўчимади. Пахта ҳосилдорлигини ошириш учун билими ва тажрибасини аямади. Йиллар ўтган сари яйдоқ чўл ҳам чекина борди. Юлғунзорлар ўрнида сўлим боғлар, ертўлалар ўрнида қўшқават уйлар барпо этилди. Бунда Абрайқул отанинг ҳам муносиб улуши бор эди. Эндиликда у ўзи билан елкама-елка туриб ишлаган, барханлар оралаб чўл кезган сафдошларидан саноқли кишилар қолганлигини афсус билан эслайди.

Меҳнат фаолияти билан бирга, жамоатчилик ишида ҳам Абрайқул ота фидойи, ташаббускор. Бу ўринда қишлоқ қабристонини ободонлаштириш, маҳалла йиғинини биносини қуриш, тумандаги жомеъ масжидини таъмирлаш ишларига бевосита ҳисса қўшгани, моддий ёрдам кўрсатганини айтиш жоиз. Ҳашарлар, тўй-маъракаларда у бошқош. Маҳалла йиғинлари, тадбирларининг фаол иштирокчиси.

— Ҳожи бобо маҳалламизнинг мўътабар фахрийси, фуқароларимизнинг яқин маслаҳатдоши, — дейди Газа маҳалласи оқсоқоли Эшонқул Дониев, — маҳаллада у иштирок этмаган бирор тадбир йўқ.

Абрайқул отанинг ёшлар тарбиясидаги жонкуярлигини ҳам таъкидлаб ўтмоқчимиз. Мактаб билан алоқаси мустаҳкам. Йиғинларда ота-оналарга маслаҳатчи, амалга ошириладиган тадбирларда ҳамкор. Ҳожи бобонинг фарзандлари ҳам ота изидан бораяпти. Жумладан, қизи Моҳира Газа маҳалласи фуқаролар йиғинида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, хотин-қизларнинг саркори. Улар орасида олиб бораётган ибратли тадбирлари, тарбиявий ишлари мақтовга сазовор.

Энг муҳими, Абрайқул Эшниёзов бугун ҳам эл сафида, уларнинг даврасида аввалгидек жонкуяр, ташаббускор.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Бухоро вилояти

Когон тумани Когон қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Ҳолида Ражабова қишлоқдаги моҳир зардўзлардан бири. Мана, олти йилдирки у қишлоқ ҳудудида цех ташкил этиб, маҳаллий қиз-жувонларга зардўзлик сир-асрорларини ўргатмоқда. Айни пайтда ушбу цехда ўндан зиёд ёшлар иш билан таъминланган. Бу ерда тайёрланаётган бежирим ва сифатли маҳсулотлар эса тобора харидоргир бўлиб бораяпти.

Ҳамроз АЛИ олган сурат.

Эй, сиз одамлар, эсиз, одамлар!

Ароққа бой берилган умрлар

Она оташ домида, тўрт гўдак эса етимлик уқубатлари домида. Уларнинг уволи кимни тутади?

Муқаддас ҳадисларимиздан бирида: "Ичкиликдан сақланинглар, чунки у барча ёмонликларнинг калитидир", дейилади. Лекин орамизда ҳаётини ичкиликсиз тасаввур эта олмайдиган, ароқ туфайли қадр-қимматию инсонийлик қиёфасини йўқотган кимсалар ҳам учраб туради. Энг ачинарлиси, заҳри қотил сабаб кунда-кунора такрорланаверадиган жанжал баъзан мудҳиш фожиаларга олиб келиши ҳам мумкин экан.

Топганини ароққа сарфлайдиган Абдулазиз қишлоқ аҳлига отнинг қашқасидек танилган. У ичиб олгач, "шер"га айланиб, жанжал чиқаради. "Ўчиб" қолгунча ҳаммаёқнинг остин-устунини чиқаради, бу ҳам етмагандек хотинига ташланиб, аямай дўппослайди. Аслида унинг ичкилик қулига айланганига анча бўлган. Биринчи оиласи ҳам ароқнинг касрига барбод бўлди. Эрнинг зулмларига етти йил чидаган турмуш ўртоғи унга инсоф киришидан бутунлай умиди кесилгач, уч нафар фарзандини олиб, онасиникига кетиб қолди. Абдулазиз қонуний ажрашгач, болаларига алимент тўлашни ёки байрам-ҳайитларда йўқлаб боришни хаёлига келтирмади. Фарзандларини кўчада кўриб қолгудек бўлса, тескари қараб ўтди. Ота бўлиб тўнғич қизининг тўйига ҳам бормади.

Турмуши бузилиб, кундан кун баттар одамгарчиликдан чиқиб бораётган Абдулазизни қариндошлари зора сонга кирса, бинойидек яшаётган юзлаб қишлоқдошлари қаторига қўшилса, деган ниятда бир амаллаб қўшни хўжақишлоқлик Бусафияга уйлантириб қўйишди. Биринчи оиласидан келишмовчиликлар туфайли икки фарзанди билан ажрашган Бусафиянинг ўғли отаси билан, қизи эса акасининг қарамоғида яшарди. Аёл турмушнинг илк кунлариданоқ "ёмғирдан қочиб дўлга тутилганини" англади, аммо ота-она юзини шувит қилиб яна уйга қайтиб боришни ўзига эп кўрмади, тақдирга тан бериб яшашга қарор қилди. Эрини қайта тарбиялашга, ҳеч бўлмаса инсоф бўсағасига келтиришга ҳаракат қилди. Бу орада икки фарзандлик бўлди. Бир кунимга ярар деб томорқага экин экди, мардикорчиликка чиқди, тунлари ухламай чеварлик қилди. Эр кўр қўшмаса, рўзғор барака топмас экан. Ҳар қанча уринса ҳам, бири икки бўлмади. Бусафия болаларига тузукроқ кийим, ҳатто нонуштасига шакар олиб беролмаганидан, кунда қозон қайнатолмаётганидан эзиларди. Ўн йил аввал бошлаб қўйилган иморат ҳам чала-ярим ҳолда қолиб кетди. Пиёниста эрнинг эса парвойи фалак, топганини ичиб келиб, жанжал қилишдан бўшамайди. Инсоф сари юз бурай демасди.

Ҳали дунёдан умидлари бисёр бўлган аёл аланга оташида эмас, ичкиликка муккасидан кетган тубан кимсанинг жабру зулмлари оловида куйиб кул бўлди. Бусафия ўзини ёқмади, уни инсон, ота деган номга нолойиқ бўлган эри ёндирди, хароб қилди.

Ичишга пули қолмаган Абдулазиз кунларнинг бирида Ангренга ишлагани кетди. Ўн икки кун ўтгач, 83 минг сўм пул ва бир шиша спирт билан кириб келди. Пулнинг 50 минг сўмини ён қўшнисига "сўраганимда бериб турарсиз", деб бериб қўйди. Қишлоқ марказидаги дўкондан ароқ олиб тўйгунча ичиб, қассобдан ярим кило гўшт олди-да, гандираклаганча уйга келди. Кела солиб:

— Олиб келган спиртим қани? Олиб чиқ, — деб бақирди. Яна жанжал бўлишидан хавотирга тушган Бусафия спиртни яшириб қўйган жойидан олиб, бир пиёла қуйиб берди ва жанжал кўтарилмасин учун ичкари уйга кириб, тикишини давом эттира бошлади. Нафси ҳалакак отган эр бир пиёла спиртга қаноат қилмай яна ароқ сотиб олмоқчи бўлди:

— Тунов кунги пулнинг қолгани қани?

— Нима қилмоқчисиз? Уни ҳам ичиб тугатмоқчимисиз? Болаларнинг уст-бошини бутлайман. Ҳали рўзғорга қанча нарса керак, — дея зорланди Бусафия.

Ўша тобда кўзига ароқдан бошқа нарса кўринмаётган Абдулазиз жаҳл билан тикув машинасини олиб хотинининг бошига туширди. Онасининг юзидан шариллаб оққан қонни кўриб, жанжал бошлангач, бурчакка тиқилиб олган Гавҳарой даҳшатдан додлаб юборди. Ваҳшийлашган эр яна урмоқчи бўлганда аёл бир амаллаб қочди. Аламдан ўзини бошқара олмай қолган аёл шишада қолган спиртни олиб чиқиб:

— Шу зормандa сизнинг ичингизга киргунча, мени ёндирсину, бундай хўрликлардан қутула қолай! — деди-да, бошидан спиртни қуйди. Пиёниста, бадкирдор эрнинг зуғумларидан безор бўлган бечора Бусафия! Шу тобда унинг кўзига чала етим қолаётган тўрт норасида ҳам кўринмади. Қўллари қалтираганча ўчоқ бошида турган гугуртни олиб, чақиб юборди...

Бусафия Исмоилова фожианинг эртаси куни шифохонада оламдан ўтди. Марҳумани сўнгги йўлга ота-онасининг уйидан кузатдилар. Бу ерга келишга бадбахт эрнинг юраги дов бермади.

Ҳали дунёдан умидлари бисёр бўлган аёл аланга оташида эмас, ичкиликка муккасидан кетган тубан кимсанинг жабру зулмлари оловида куйиб кул бўлди. Бусафия ўзини ёқмади, уни инсон, ота деган номга нолойиқ бўлган эри ёндирди, хароб қилди. Жаноза йиғилганларнинг бир-бирларига айтар гаплари ҳам, таскини ҳам шу сўзлар бўлди.

Хотинини доимий равишда таҳқирлаб, хўрлаб келган ва ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказган Абдулазиз Мадраҳимов қилмишига яраша жазосини олди.

Бўлиб ўтган воқеа кишини ўйга толдиради. Қишлоқда ҳамма бир-бирини танийди, ҳар бир оилада бўлаётган муаммодан маҳалла-кўй яхши хабардор. Наҳотки, бу оиладаги аҳволдан Тойпоқ қишлоқ фуқаролар йиғини ва маҳалла оқсоқоллари бехабар бўлишган? Ҳатто бу оиланинг фожиагача қонуний никоҳсиз яшаб келгани ҳамда носоғлом муҳитда ўсаётган болалар тақдири билан қизиқиш, қолаверса, ичкиликбозлик дардига мубтало бўлган шахсни тартибга чақириш, мажбурий даволаш чораларини қўллаш йиғин фаолларининг, профилактика инспекторининг вазифаси эмасмиди? Қўни-қўшни, қариндош-уруғлар-чи? Ушбу фожиага уларнинг бефарқликлари, эътиборсизликлари ҳам қайсидир маънода сабабчи эмасмикан?

Қаҳрамонжон СОТИБОЛДИЕВ,
Данғара тумани прокуратураси терговчиси.
Холиқназар ЖЎРАБОЕВ,
журналист.

Абдулла ҚАҲҲОР

МАҲАЛЛА

Ҳикоя

Инсон билан тирикдир инсон,
Муҳаббатдан ҳаётнинг боши,
Одамзодга бахш этади жон,
Одамларнинг меҳр қуёши.
Эркин ВОҲИДОВ

Роҳат буви каттакон қора печканинг эшигини очиб, оёғини товлаётган эди, дераза остида кўзойнак тақиб неварасининг йиртилган китобини елимлаётган чоли уришиб берди:

— Сени печкага ўргатиб бўлмади-бўлмади... Нима, полни ўйиб, сандал қилиб берайми?! Печка деганнинг эшигини очдингми, кўмир осмонни иситади деявер!..

Роҳат буви печканинг эшигини ёпди, бориб диванга чўзилди. Уй совуқ бўлмаса ҳам, бир неча кундан бери унинг эти учар, оёғи совқотар, оғрир эди.

Кампир шу ётганича эртасига ҳам тургиси келмади, индинига туролмади, учинчи куни юраги бирпас қаттиқ уриб турди-ю, бирдан бўшашиб, ўлиб қолди.

Ҳикмат бува нима бўлганини билолмай, кўзи билан кўриб турганини ақлига сиғдиролмай, гаранг бир аҳволда туриб қолди, ўғли, келини, уч невараси кириб йиғи бошлагандагина ўзига келиб, титроқли нафас билан шивирлади: "Э худо, нима қилиб қўйдинг, бисотингда менга атаган яна қанақа кулфатларинг бор, тўк бошимга, ҳаммасини бирдан-тўка қол!"

Эллик уч йил! Эллик уч йилдан бери бир дастурхондан туз татиган, бир кўрпани босган, бирга кулган, бирга йиғлаган; эллик уч йилдан бери мушукчадай бир-бирига суйканиб, бир-бирини ялаб, оғритмай тишлаб, йиқитиб, йиқилиб бериб, пийпалашиб ўйнаган; эллик уч йилдан бери меҳр аталмиш улкан туйғу риштасини пилла куртидай бир маромда аста-секин чувиб, бир-бирининг қалбини ўрабчулғаб келган.

Ҳамма расм-русм жойига етказилгандан кейин одамлар тобутни кўтарганда шу ришта бирдан тортилди-ю, гўё Ҳикмат буванинг юрак-бағрини суғуриб олди. Чол ўкириб юборди.

Кампирни бирпасда ерга топшириб қайтишди. Кўнгил сўрагани яна бутун маҳалла кирди. Ҳикмат бува касал мусичадай бир чеккада қунишиб ўтирар, афтидан, энди унинг учун оламда ҳеч ким, ҳеч нарса қолмаган эди.

Шундоқ Ҳикмат бува ҳафта ўтар-ўтмас бир ҳовуч суяк бўлди қолди. Чол чўзилиб ётганда унинг ўликмитирикми эканини билиш қийин, лекин кампири оёғини печканинг ўтига товлаётганда уришиб бергани эсига тушса, арслондай ўкирар, ўзини у ёқдан-бу ёққа отар эди.

Уйда уни ёлғиз қўймасликка ҳаракат қилишар эди. Кичкина невараси ҳамма ўйинчоқларини унинг уйига киргизиб қўйди, боғчадан келганидан кейин шу ерга кириб ўйнайдиган бўлди. Катта невараси ҳар куни уни неча марта хилма-хил қилиб суратга ола берди. Ўғли уни автомобилига солиб бир неча марта шаҳарни айлантирди. Чол хурсанд бўлиш ўрнига: "Онанг борида шу ишни қилмадинг", деб дўнғиллади. Келини унга магнитофон келтириб берди. Чол магнитофон билан бирпас овунди-ю, кейин кўзига ёш олиб: "Қизим, шу нарсани илгарироқ топиб келганингда кампирни гапиртириб ёзиб олар эканман", деди...

Бир куни қаттиқ ёмғир ёғиб, қишдан қолган қорни эритиб юборди. Айвонда устунга суяниб ёмғир сувининг вақирлашини томоша қилиб турган чолнинг кўзи тандирдан нарида ётган бир пой эски калишга тушиб қолди. Кампир бир оёғи оғриб шишганда шу калишнинг жағини кесиб кийган эди. Чол бориб калишни олди, авайлаб артди, уйга олиб кирди. Чол учун кампир гўё қайтадан ўлди. У кечгача йиғлади, кечқурун ўғли билан келини ишдан келганда, "кампир бечорани докторга дурустроқ кўрсатмадиларинг", деб хархаша қилди.

Ҳикмат бува кечалари ухламас, дори ичиб ухласа ҳам ярим кечаси уйғониб тонг отгунча ўтириб чиқар, уйдаги ҳамма нарса унга кампирини, ёлғиз қолганини эслатар, ҳар бир товуш ўлим бўлиб унинг мия қопқоғини чертар эди.

Чол тугаб бораётганини кўриб, ўғли билан келини ташвишга тушиб қолди.

Бир куни эрталаб чол йўқолиб қолди. Қидирилмаган жой қолмади: ёр-дўст, таниш-билиш, қариндош-уруғ, ҳатто тез ёрдам касалхонасидан ҳам хабар олинди, милицияга мурожаат қилинди. Ҳаммаёқ қидирилипти-ю, қабристондан хабар олинмапти, чол қабристонда экан. Ҳикмат бува қабристонга тез-тез бориб, кампирнинг бошида бир соат-ярим соат ўтириб келар, лекин бунақа қолиб кетадиган одати йўқ эди. Чол бу сафар борганида кампирнинг қабрини зиёрат қилиш у ёқда қолиб, унинг ёнидан ўзига гўр қазитди, мудир ва гўрковлар ҳарчанд унашмаса ҳам қўймади, жанжаллашди.

Чол кун оққанда адою тамом бўлиб қайтди. Кимдир уни автобусдан тушириб йўлкага чиқариб қўйди. Чолнинг зўрға қадам босиб келаётганини кўрган муюлишдаги чўткачи югуриб бориб уни олиб келди ва қўлига бир пиёла чой берди.

— Хафа бўлмай юрибсизми, отахон... Кампир онам аломат аёл эдилар... Сиз ўша куни ўзингиз билан ўзингиз овора бўлиб таъзияга келган одамларни пайқамадингиз. Ана одаму... Маҳаллага сиғмай кетди! Маҳалламизнинг кўчаси бир метр чўкди!.. Кампир онам дунёга келиб одам эккан эканлар. Дунёга келган одам аввал боши одам экиши керак экан. Мен ибрат олдим...

Иссиқ чойми ё чўткачининг гапларими чолга анча мадор бўлди.

— Ҳа, — деди чол бир оз ғурур билан, — ҳалигача одам келади... Ишхонаси ҳам шунча йилдан бери эсидан чиқармаган экан.

Чолнинг пайдо бўлганидан хабар топган уй ичи, қўни-қўшни, чувиллашиб келиб чолни ўртага олишди. Биров дашном берган, биров бўғилган, биров суюнган...

Булар чолни ўртага олиб чувиллашиб кетаётганда йўл бўйида турган шу маҳаллалик врач воқеани эшитиб чолдан койинган бўлди, кейин унга разм солди-ю, кампирдан гап очди:

— Онахонимиз таърифга сиғмайдиган аёл эдилар, шунча одам бекорга келгани йўқ! Лекин, отахон, маҳалламизга бирон саккиз челакли битта самовар керак экан, ўша куни жуда-жуда билинди. Маҳалладан пул йиғсак, хонадонга неча пулдан тушади?

Чолнинг ҳамияти қўзғаб кетди.

— Ўғлим билан келинимнинг битта самоварга кучи етиб қолар, — деди.

Врач ундан шу гапни кутган эканми, жилмайиб қўйди.

Чол гўрини қазитиб қўйиб, энди бу ерга самовар олгани эмас, ётиб ўлгани келган бўлса ҳам ўғли билан келини номидан маҳаллага катталик қилиб қўйганидан кейин бу тўғрида ўйлашга мажбур бўлди — ўғлидан пул олди, самовар қидиришга киришди. Бироқ ўшанақа самоварни топишдан кўра кондан мис қазиб, самовар ясаш осонроқ экан: чолнинг бормаган магазини, ялинмаган магазин мудири қолмади. Ўғли билан келини унинг елиб-югуришига, унда шунча куч қаёқдан пайдо бўлганига ҳайрон эди.

Ниҳоят, маҳалладаги мансабдорлар ёрдами билан самовар топилди, маҳалла комиссияси акт билан қабул қилиб олди, умумий мажлисда раис Ҳикмат бувага раҳматлар айтди, ҳамма чапак чалди.

Шу мажлисда яна бир масала кўтарилди: маҳаллада ҳар куни бўлмаса ҳам, ҳафтада икки-уч марта тўй-маъракa, именина ва бошқа маросимлар бўлиб туради, ким маросим ўтказадиган бўлса уйма-уй юриб идиш-товоқ, дастурхон ва бошқа нарсалар тилайди, комиссия маҳалладан пул йиғиб бирон юз эллик кишилик маҳалла рўзғори ташкил қилса бўлмайдими?

Бу таклифни ҳамма олқишлади, бунинг мутасаддиси ким бўлади, деган саволга ҳамма қий-чув кўтариб яна Ҳикмат бувани кўрсатди. Ҳикмат бува унамасдан қарши сўз айтгани ўрнидан турган эди, шунча одам чапак чалиб, кўзига қараб турганини кўриб индаёлмади.

Маҳалла неча хонадон? Буларнинг ҳаммаси чолни аяб пулни келтириб бера қолса экан! Бу хонадонлардан кўпига кириш керак, кошки бир кирганда пулни бера қолса экан: бири эртага келинг дейди, бири фалончи мунча берганда мен нега шунча берар эканман, деб хархаша қилади, бири мажлисда анграйиб ўтириб гапга яхши тушунмаган, унга тушунтириш керак бўлади...

Чол ҳар куни эрталабдан хонадондан хонадонга, бор пулга бир нима олиб қолиш учун магазиндан магазинга, арз-дод қилгани идорадан идорага югурар, шу орада фурсат топиб баъзан кампирининг мозорига ҳам бориб келар эди.

Чол ниҳоят, маҳалла рўзғорини тўлатўкис қилиб мактаб омборига қамаб олди. Бироқ рўзғорни бут қилишдан ҳам кўра уни асраш қийинроқ бўлди: баъзи одамлар нарсани олиб вақтида қайтаришмайди; баъзилар, масалан, жўмраги учган чойнак, папиросдан куйган дастурхон, латтасига алланимабало тўкилган курси, санчиғи қайрилган вилка ва ҳоказо қайтаришади, яна "ўзи шунақа эди", деб жанжал қилишади. Йўқ, хайрият, сал кунда одамлар инсофга келишди, чолнинг иши енгил бўлиб қолди.

Баҳор келди. Шаҳарда дарахт ўтқазиш кампанияси бошланиб кетди. Шу муносабат билан газета мақола бериб, ўтган йил баҳорда қайси маҳаллалар планни тўлдирмай қолганини, қайси маҳаллалар бу ишда намуна кўрсатганини айтиб, илғор маҳаллалар қаторига "Янги Маҳалла"ни ҳам қўшибди. Буни чолга невараси кўрсатиб кулди, чунки ўтқазилган дарахтларнинг кўпгина қисми тутмаган эди. Чол чиқиб маҳаллани айланди, дарахтларни кўздан кечирди. Ўтган йил баҳорда жами бир минг етти юз олтмиш беш туп кўчат ўтқазилган бўлиб, бундан фақат саккиз юз олтитаси тутган, тутган дарахтлардан йигирма икки тупи синган, саккиз туп сассиқ, мўрт ва умри қисқа дарахтлар экан. Чол бу маълумотни олиб тўғри редакцияга борди, аввал тортиниброқ гапирди, гапи ўтганини пайқагач, шовқин солди. Газета эртаги сонида "Янги Маҳалла" ҳақида нотўғри маълумот берган мухбирига жазо берганини айтди ва мухбирни алдаган маҳалла комиссиясининг секретарига дашном берди ва шу билан бирга газетанинг хатосини кўрсатган Ҳикмат бува Норматовга ташаккур билдирди.

Ҳикмат бува шу куни бурчакдаги чўткачига маҳсисини ёғлатиб, "маҳалламиз шарманда бўлгани" ҳақида унинг интиҳосиз жаврашига қулоқ солиб ўтирган эди, шу аснода ўша ёлғончи секретарь ўтиб қолди ва чолни кўриб ўшқирди:

— Ху ўша... Ўзимиз тўғрилар эдику, сенга нима, бир оёғинг гўрда!

Чол секин бурилиб қаради.

— Менинг бир оёғим гўрда, сенинг иккала оёғинг тўрдами? Унақа демагин, болам, ким олдин ўлишини билиб бўлмайди...

Чол яна бир нима демоқчи эди, ўзига гўр қазитиб қўйганини эслаб дами ичига тушиб кетди. Секретарь жаҳл билан қўл силтаб жўнади. Чол қўлларини орқасига қилиб бошини қуйи солиб уйига томон битта-битта қадам ташлаб борар экан, ўйлар эди: "Бу бола гўр қаздириб қўйганимни эшитганмикин? Йўқ, эшитган эмас, лекин эшитиши мумкин..."

Чол жадаллаб уйга келди ва ўтириб хат ёзди:

"Қабристон мудири ва гўрковларига ёзиб маълум қиламанки, қари бақатерак остидаги менинг номимга қазилган гўрни қабристон идорасига топшираман, азбаройи фойдаланиш учун".

Ҳикмат бува хатни неварасидан бериб юборди.

1964 йил

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Айни кунларда яқинларингиз билан бирга янги иш бошлашингиз мумкин. Ҳафта сўнгида оилангизга кўпроқ эътибор қаратинг. Кутилмаганда сафарга отланишингиз эҳтимоли бор.

СИГИР(22.04-20.05)

Ҳафта давомида сиз катта бир тадбирга тайёргарлик кўра бошлайсиз. Шунингдек, сўнгги русумдаги қимматбаҳо буюмга эгалик қилишингиз мумкин.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Ҳафта қизиқарли воқеаларга бой, шахсий ҳаётингизда эса ҳаяжонли дақиқалар кўп бўлади. Масалан, турмуш қуриш борасида бир қарорга келишингиз мумкин.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)

Шу кунларда ишхонангизда янги ходимлар пайдо бўлиши мумкин. Пайшанба рўзғордаги камчиликларни тўлдириш, молиявий масалаларнинг ечимини топиш учун қулай кун.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Ҳафта давомида иш фаолиятда ўсишингиз ҳамда соғлиғингизни мустаҳкамлашда ижобий натижаларга эришишингиз мумкин. Жума куни одатдагидан кўпроқ ишлашингизга тўғри келади.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Ҳафтанинг иккинчи ярми мазкур бурж вакиллари учун муҳим учрашувларга бой бўлади. Жумада соғлиғингизга эътибор қаратинг. Шанба куни эса қарзлардан қутулинг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Айни кунларда молиявий муаммоларнинг ечимини топишингиз кайфиятингизга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Ҳафта сўнгида узоқдаги қариндошларингиз ташриф буюриши мумкин.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Ушбу ҳафта сиз барчанинг диққат-эътиборида бўласиз. Янги ижодий фаолиятингиз кутган натижангизни бериши мумкин. Жумада янги техника жиҳозини харид қилмаганингиз маъқул.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Ҳафта давомида кўпгина тадбирларда иштирок этасиз. Чоршанба ва пайшанба кунлари ишда катта ютуққа эришишингиз эҳтимолдан ҳоли эмас. Жума куни харажатларни бироз камайтиринг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Шу кунларда молиявий аҳволингиз анча яхшиланади. Шу боис сиз ёзги таътилни қаерда ўтказиш ҳақида ўйлай бошлайсиз. Жума куни сизда яқинларингиз учун бирорта совға олиш истаги пайдо бўлади.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Ушбу ҳафтада атрофдагилар билан муносабатни яхшилаб олиш учун қулай имконият туғилади. Шунингдек, дўстлар даврасида ҳордиқ чиқариш ва янги танишлар орттиришингиз мумкин.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Айни кунларда мазкур бурж вакилларининг иш жадвали тинимсиз сафарларру учрашувлардан иборат бўлиб, оиласи учун ҳам вақт ажратолмай қолишлари ҳам мумкин.

Чемпионни шарафлаш — шараф

Юртимизда забардаст боксчи, ҳамюртимиз Руслан Чагаевнинг ғалабасини кенг нишонлаш ҳамон давом этмоқда. Зеро, юртимиздан чиққан жаҳоннинг мутлоқ чемпионини шу заминда туриб ардоқлашга, эзозлашга ва олқишлашга нима етсин?!

СУРАТДА: *Руслан Чагаевни андижонлик ҳамқишлоқлари қутламоқда.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан вилоятда аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, ногирон ва беморларни даволаш, профилактика ишларини такомиллаштириш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мусаффо муҳит шифони тезлаштиради

Самарқанд вилояти

Вилоят силга қарши курашиш диспансерининг замонавий ва энг сўнгги тиббий ускуналар билан жиҳозланган янги бинога кўчиб ўтиши ҳам ана шу эътиборнинг яққол намунасидир. Қолаверса, бу Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига ҳам ажойиб туҳфа бўлди. Самарқанд тумани Миронқул қўрғонида жойлашган 550 ўринли ушбу янги шифохона вилоят ҳокимлиги, «Инжиниринг» компанияси буюртмаси асосида "Жайҳун" ишлаб чиқариш қурилиш фирмаси ишчилари томонидан бунёд этилди. Икки йил давомида бу ердаги 3 та асосий бино реконструкция қилиниб, бир нечта қўшимча бинолар қурилди. Бунинг учун вилоят маҳаллий бюджетидан 1 миллиард 800 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

— Сил касаллигига чалинган беморларни даволашда атроф-муҳит мусаффолиги ҳам муҳим роль ўйнайди, — дейди вилоят силга қарши курашиш диспансери бош врачи Толиб Турсунов. — Шу жиҳатдан тоғ яқинида жойлашган, атрофи боғ билан ўралган ушбу шифо масканимиз энди беморларни қисқа фурсатларда даволаш имконини беради.

Рустам ҲАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

Жиззах вилояти

Пахтакор тумани халқ таълими бўлими ёшларга таълим-тарбия беришдек масъулиятли ишда ибратли фаолият кўрсатмоқда.

«PENTIUM-4» ЎҚУВЧИЛАРГА МУНОСИБ СОВҒА

Айниқса, ногирон болаларнинг келажакда жамиятда ўз ўрнига эга бўлишлари учун қайғуриб, уларга ҳар томонлама кўникма бериб келинаётгани эътиборлидир. Маориф соҳаси ходимлари жисмоний имконияти чекланган болаларнинг лаёқати ва имкониятини ҳисобга олиб, белгиланган дастур асосида, якка тартибда машғулотлар олиб боришаётгани таҳсинга лойиқ.

— Ногирон ўқувчиларнинг таълим олиши учун зарур шароитлар яратилган, — дейди ташхис маркази руҳшуноси Шоира Раупова. — Таълим муассасаларидаги тажрибали педагогларнинг бу ишга жалб қилингани эса фаолиятимиз самарадорлигини оширади.

Яқинда ана шундай ўқувчилардан 5 нафарига «PENTIUM-4» русумли компьютер туман ҳокимлиги, ижтимоий таъминот ва халқ таълими бўлимлари томонидан ажратилди. Эндиликда улар ҳам бошқа тенгдошлари каби замонавий техника воситаларидан фойдаланиш имконига эга бўлишди.

Донагул ЖЎРАЕВА,
"Mahalla" мухбири.

Театр саҳнасида

"ТУН АЛБАТТА ЎТАДИ"

Ўзбек Миллий Академик драма театрида янги саҳна асарининг премьераси мухлисларга намойиш этилди. Италиялик машҳур драматург Эдуардо де Филиппонинг "Тун албатта ўтади" деб номланган асари Александр Гамиров режиссёрлигида саҳналаштирилди.

Намойиш Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда амалга оширилди ва бу лойиҳани Италия элчиси жаноб Анжело Персиани қўллаб-қувватлади.

Саҳна асаридаги асосий ролларни Муҳаммадали Абдукундузов, Зуҳра Ашурова, Дилбар Икромова, Рихсивой Авазов, Саида Раметова, Қаҳрамон Абдураҳимов, Фатхулла Маъсудов ҳамда бир гуруҳ ёш актёрлар ижро этди. Асарда мураккаб ҳаётий вазиятга тушиб қолган оиланинг тарихи тасвирланган.

Мазкур спектакль намойишига Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Ўзбек Миллий Академик драма театри ташаббуси билан Тошкент шаҳрининг фаол ва фахрий аёллари, кам таъминланган оилалар вакиллари ва бошқа меҳмонлар таклиф этилди. Спектакль томошабинлар томонидан яхши қарши олинди.

Маҳфуза ТИЛЛАЕВА

Суранг, жавоб берамиз

Савол:

...БОЛАМНИНГ НАСАБИ ҚАНДАЙ БЕЛГИЛАНАДИ?

Турмуш қурганимизга бир йил ҳам тўлмасдан эрим билан ажрашиб кетдик. Орадан етти ой ўтиб, фарзандли бўлдим.

Энди фарзандимнинг насл-насабини белгилаш қай ҳолда амалга ошади?



Жавоб:

У НИКОҲДА ТУҒИЛГАН ҲИСОБЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 60-моддасига биноан, ...аёлнинг никоҳ тузилгандан кейин ёки эрининг ўлими, никоҳдан ажратилганлиги ёхуд никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганлиги туфайли никоҳ тугаганидан сўнг уч юз кун ичида туғилган боласи никоҳда туғилган бола ҳисобланади.

Агар никоҳ тугаганидан кейин уч юз кун ичида бола туғилса ва бу даврда аёл янги никоҳга кирган бўлса, бола янги никоҳда туғилган ҳисобланади. Бундай ҳолларда собиқ эр ёки унинг ота-онаси боланинг насл-насаби хусусида низолашиш ҳуқуқига эга.

Мазкур кодекснинг 61-моддасига кўра, боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган шахснинг оталиги ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс ва онанинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органига биргаликда топширган аризасига биноан белгиланади...

Шунингдек, Оила кодексининг 62-моддаси иккинчи бандига мувофиқ, оталикни суд тартибида белгилаш ота-онадан бирининг ёки боланинг васийси (ҳомийси)нинг ёхуд бола кимнинг қарамоғида бўлса, шу шахснинг аризасига, шунингдек бола вояга етганидан кейин унинг ўзи берган аризага мувофиқ амалга оширилади.

Утерянные документы: устав, учредительный договор и свидетельство выданный СП "Афросиаб-лтд" Юнусабадского р-на г.Ташкента за № 1302-5/429 от 17 мая 1993 г. Мин.финоm РУз на предмет регистрации и внесении в реестр совместных предприятий считать недействительным.

Исламов Хикматжон Рихсибоевич номига берилган Чакана савдо фаолияти билан шуғулланадиган якка тартибдаги тадбиркорнинг даромадлар ва товар операцияларини ҳисобга олиш дафтари йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Утерянный аттестат № 1528919 об окончании 9 класса выданный 21 июня 2005 г. ср.школой № 54 М.Улугбекского р-на г.Ташкента на имя Нестеренко Анатолия Анатольевича считать недействительным.

Утерянный гос.ордер № 11-01/6855 от 28.07.1995 г. о праве собственности на квартиру на имя Христолюбова Юрия Сергеевича считать недействительным.

Қибрай туманидаги 16-мактаб томонидан Мирзолиева Дилноза Джўробоевна номига берилган ОР-0877113 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Утерянный гос.ордер № 13-03/1267 от 24.10.2000 г. права собственности на имя Алиева Нодира Шовкатовна на квартиру считать недействительным.

Ҳамза тумани Бешбола маҳалласи фуқаролар йиғини статистика рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

ООО "AXIL-DUGONALAR" (ОКОНХ 71300) Хамзинского р-на г.Ташкента ликвидируется. Претензии принимаются в течении 2-х месяцев. Тел: 196-10-42

Утерянное свидетельство о рождении ШЮ № 420871 выданный 17.12.1953 г. Рес.Литва г.Вильнюс на имя Оржухайте Людмила Лейбовна считать недействительным.

Утерянный гос.ордер № 05-01/4006 от 18.02.1993 г. о праве собственности на квартиру на имя Муратовой Татьяны Николаевны считать недействительным.

Утеренная круглая печать выданный на ЧП "Шакиров Нодирхон Наджатовичу" Сергелийского р-на считать недействительным.

Афилированные лица Маликов Рахим Халилович и Маликов Фаттах Халилович намереваются приобрести акций ОАО "USUB" в количестве до 30%.

Утерянный аттестат о девятилетним образовании O'RE № 107850 выданный в 2001 г. средней школой № 35 М.Улугбекского р-на г.Ташкента на имя Колтуновой Ксении Юрьевны считать недействительным.

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда ҚОСИМОВА, (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган ҳолда таҳририятга келган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят бундай мақолалардан газета саҳифасида фойдаланмаганлиги учун ҳисобдор эмас.

Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Газета тарғиботи учун ҳажми 10 см квадратгача бўлган реклама, таъзия ва эълонлар бепул эълон қилинади.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

2007 йил 25 апрель
17 (567)

16050 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-320 Топширилди — 21.45
2 3 4 5 6